O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV. N

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 16 март шанба

Сотувда эркин нархда

№ 55-56 (2883-2884)

**Ислом КАРИМОВ:**

**АҚШга бу галги сафаримиз Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қисқача айтганда, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига чиқариш каби эзгу мақсадларга тезроқ эришишимизга катта ёрдам беради.**

**Жорж БУШ:**

**Биз Ўзбекистоннинг қандай салоҳиятга эга эканлигини кўриб турибмиз.**



# ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ – СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

## *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 — 14 март кунлари расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди*

АҚШ дунёда ҳар томонлама етакчиликни қўлга киритган давлатдир. Ислом Каримовнинг ушбу мамлакатга расмий ташрифига пухта тайёргарлик кўрилди. Бундай қудратли давлатга боришдан олдин аниқ мақсадларни, ташриф муддаосини белгилаб олиш керак. Энди АҚШ сафари ортда қолган экан, ташриф якунларига қандай баҳо бериш мумкин, у Ўзбекистонга қандай фойда келтиради, мамлакатимиз қандай манфаат кўради, деган саволлар пайдо бўлади.

Аввало, Ислом Каримовнинг Жорж Буш билан учрашувига тўхталсак. АҚШ Президенти ўзбекистонлик олий мартабали меҳмонни Оқ уй маъмурияти ва мамлакат ҳукуматининг катта нуфуз ва обрў-эътиборга эга вакиллари қуршовида кутиб олди. Бу учрашувга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилганидан, Ўзбекистон делегациясига катта ҳурмат-эътибордан далолат.

АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс, Пентагон раҳбари Доналд Рамсфелд, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқа расмий кишилар иштирок этган бу учрашувда дастлаб Ўзбекистон раҳбарига Америка халқини энг синовли дамларда дадил қўллаб-қувватлагани учун яна бир карра самимий миннатдорлик билдирилди. Ж. Буш Ўзбекистон қатъият билан аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлаганини АҚШ ҳукумати ва халқи унутмаслигини, бу миннатдорлик ва эҳтиром келгусида жуда кўп бор намоён бўлишини таъкидлади. У Ислом Каримовни бундан буён АҚШ стратегик шерик сифатида доим Ўзбекистон билан бирдам бўлишига ишонтирди.

Вашингтонда АҚШ ҳукумати бу йил Ўзбекистонга ёрдам тариқасида 160 миллион доллар ажратиши маълум қилинди. Шуни инобатга олган ҳолда ҳамда Жорж Буш ва бошқа расмий кишилар билан мулоқотлар руҳидан англаш мумкинки, АҚШ бундан буён ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотларни янада кенг ва фаол қўллаб-қувватлайверади.

Оқ уйдаги учрашувда Марказий Осиёдаги жараёнлар ҳам муҳокама қилинди. Минтақамиздаги иқтисодий интеграцияни ривожлантириш, хавфсизлик масалаларига эътибор қаратилди. Гап шундаки, Афғонистондаги аксилтеррор операцияси якуний босқичига қадам қўйгани билан ҳали хотиржамликка берилиб бўлмайди. Аксинча, энди янада қийин ва мураккаб вазифаларни бажариш керак. Президентимиз АҚШнинг етакчи газета ва журналлари раҳбарлари билан учрашувда таъкидлаганидек, биринчи галда Афғонистонда ҳаётий инфратузилмаларни тиклаш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш зарур. Афғонистон хориж ёрдами билангина ўз ҳаётини изга солиши мумкин.



Иккинчидан, «Толибон» ва «Ал-Қоида» жангарилари бутунлай йўқотилгани йўқ. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида баъзан майда гуруҳлар халқаро коалицияга қарашли ҳарбийларга қаршилик кўрсатиб тургани сир эмас. Жангариларнинг муайян қисми хорижда, коалициянинг ҳозирча эътибори тушмаган жойларда яшириниб ётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Улар вақти келиб, яна ўзининг манфур башарасини намоён қилмаслигига, хунрезликлар уюштирмаслигига кафолат йўқ. Шу боис уюшқокликни, ҳамжиҳатликни сусайтирмаслик даркор.

Бошқа бир муаммо Афғонистонда йиғилиб қолган қурол-яроғдир. Ҳозир мамлакатда 10 миллион донадан ортиқ ўқотар қурол бор. Миллий тотувлик энди-энди шаклланаётгани, марказий ҳокимиятнинг кучи ҳали бутун мамлакатни назорат қилишга етмаслиги ҳозирги барқарорликнинг давомийлиги ва мустаҳкамлигига соя солмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон учун давлат чегарасини мустаҳкамлаш борасида АҚШ билан ҳамкорликни ривожлантириш ғоят муҳимдир. АҚШ томони ҳам халқаро террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар, қурол-яроғ ва оммавий қирғин қуроллари таркибий қисмларининг контрабандаси долзарб муаммолар эканлигини, уларга қарши курашда Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиёга кўмак бериб, шу орқали дунёдаги барқарорликни мустаҳкамлаш мумкинлигини эътироф этди. Бу борада катта имкониятлар ва бой тажрибага эга АҚШ бизга чегарани мустаҳкамлашда, унинг муҳандислик ва техникавий инфратузилмасини такомиллаштиришда самарали ёрдам кўрсатиши мумкин. Бу хусусда томонларнинг фикри бир жойдан чиқди.

Шу билан бирга, Оқ уйда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Пентагонда Доналд Рамсфелд билан бўлган учрашувда эса бу йил Ўзбекистон қуролли кучлари ислоҳотига кўмаклашиш учун 43 миллион доллар ажратилиши маълум қилинди. Ўтган йили бу рақам 15,5 миллион доллар эди.

Аввалги хабарларда айтилганидек, Президент Ислом Каримов АҚШнинг қишлоқ хўжалиги ва молия вазирлари билан учрашди.

Қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман хоним билан суҳбат чоғида мазкур соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш ва тажриба алмашиш масалаларига эътибор қаратилди. Меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 2,5 фоизигина шу соҳада банд бўлганига қарамай, дунёда пахта, ғалла, гуруч каби зарур маҳсулотлар етиштириш бўйича етакчилик қилаётган, қишлоқ хўжалигида илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини ишга солаётган АҚШ билан бундай ҳамкорликдан Ўзбекистон манфаатдор экани ва катта фойда кўриши тайин.

АҚШда тахминан 22 миллион фермер хўжалиги бор. Битта хўжалик ўртача 190 гектар ерга ишлов беради. Мамлакат чорвачилик ва паррандачиликда ҳам катта ютуқларни қўлга киритган.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг АҚШ билан бу соҳадаги ҳамкорлиги PL-480 дастури доирасида қабул қилинган ҳукуматлараро битимларга таянади. PL-480 илмий изланишларга оид дастурларни ижро этиш ва АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан тажриба алмашишни молиялаш учун заҳира жамғарма шакллантиришни кўзда тутади. Ўтган йилнинг апрелидан мамлакатимизда ўнта дастур амалга оширила бошлади. Бу йил эса яна ўн тўрттаси кўриб чиқилади. Улар деҳқончилигимизда ҳосилдорликни ошириш, чидамли ва серҳосил навлар яратиш, ер-сув заҳираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ кўплаб долзарб масалаларни қамраб олган.

Вашингтонда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорликка оид ҳужжат имзоланди.

Молия вазири Пол О'Нил билан бўлган учрашув АҚШ томонидан Ўзбекистонга молиявий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланди. АҚШ томони Ўзбекистондаги бозор ислоҳотлари ва демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш учун мамлакатимизга ёрдам бериш зарурлигини қатъий эътироф этади. Жумладан, учрашувда миллий валютамизнинг тўлов қобилиятини ошириш, валюта бозорини эркинлаштириш, бюджетни қўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШ вазирлик ва идораларининг имтиёзли дастурлари ва грантлари доирасида молиявий ёрдам ҳажмини кўпайтириш масаласи кўрилди.

Ислом Каримов ва Пол О'Нил Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий молия муассасалари билан ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларини ҳам муҳокама қилди. Албатта, бу масала кўтарилгани бежиз эмас. АҚШ молия вазири Президентнинг асосий иқтисодий маслаҳатчиси, айни вақтда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Америкааро тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банкида ўз мамлакати томонидан бошқарувчи ҳисобланади. АҚШнинг нуфузини ҳисобга оладиган бўлсак, эндиликда бу муассасаларда Ўзбекистон манфаатларини қўллаб-қувватловчи ишончли шерикларимиз сони янада кўпайди, дейиш мумкин.

Президент Ислом Каримов АҚШ Конгрессига борганда, уни Вакиллар палатаси раиси Деннис Ҳастр қарши олди. Таъкидламоқ жоизки, АҚШ конгрессменлари барча мамлакатлар президентларига ҳам бундай иззат-икром кўрсатавермайди. Конгрессдаги мулоқот чоғида асосий эътибор Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Таъкидламоқ керак, Оқ уйнинг Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш борасидаги таклифлари олий қонун чиқарувчи орган томонидан тўла маъқулланмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлик мамлакат манфаатларига уйғун ва ғоят аҳамиятли эканлиги эътироф этилди. Сенаторлар, конгрессменлар мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар ҳақида янада тўлиқроқ маълумотга эга бўлди. Ўтган бир неча ой ичида 16 нафар сенатор ва 8 конгрессмен Ўзбекистонга келиб кетди.

Конгрессда Сэм Браунберг, Ҳиллари Клинтон каби нуфузли сенаторлар билан бўлган учрашувда ҳам АҚШ олий қонун чиқарувчи органининг Ўзбекистонга хайрихоҳлиги қатъий таъкидланди. Америкалик қонун чиқарувчилар Ўзбекистон Президентига Америка халқини ва Президентини синовли дамларда қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

(Давоми 2-бетда).

**Халқ қалбидаги ҒУРУР**

# Узоқни кўзлаган сиёсат

*Президентимиз АҚШга сафари олдидан журналистлар билан суҳбати чоғида битта масалага алоҳида урғу бердилар. У ҳам бўлса, стратегик шериклик ҳақида эди. Уни Ислом Каримов алоҳида таъкидлади.*

*Президентимизнинг Америкадаги учрашувларини, хусусан АҚШ Президенти Жорж Буш билан суҳбатини қизиқиб кузатиб бордим. Тўғрисини айтсам, беҳад ғурурландим. Сабаби Ўзбекистонимизнинг мавқеи, нуфузи ана шу ташриф чоғида яққол билинди.*

*Мен, бир деҳқон Президентимизнинг Америкага сафари, у ердаги мулоқотлар чоғида у кишига кўрсатилаётган иззат-ҳурматдан бошим осмонга етди. «Ўзбекистон бу, Ўзбекистон Президенти бу» дейман ва шундай мартабага Юртбошимизнинг узоқни кўрабилганлиги туфайли эришаётганимизни ич-ичимдан ҳис қиламан.*

**Абдувоҳид БЕГАЛИЕВ,**
**Усмон Юсупов туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалиги раиси.**

---

**БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**

# ҲАММАСИ СОЛИҚ ҲАҚИДА

*«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари билан Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир ХЎЖАЕВнинг телефон орқали суҳбати ана шу мавзуга бағишланди*

Солиқ нима? У узоқ тарихга эга жаҳон цивилизациясининг маҳсулидир. Солиқларнинг пайдо бўлиши, аввало, давлатчиликнинг қарор топиши билан боғлиқ. Бунинг сабаби шуки, давлат бор экан, унинг олдида режалаштирилган барча ишларни молиялаштириш масаласи кўндаланг бўлади. Молиялаштириш эса солиқлар орқали йиғилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Бугунги кунда Президент ва ҳукумат томонидан ўртага қўйилган жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, иқтисодий ислоҳотлар йўлидан олға бориш вазифаларидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилигига ўзгартишлар киритилмоқда. Бундай ўзгартишлар ўз навбатида солиқ юкини янада камайтиришга, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш жараёнларини соддалаштириш, виждонли солиқ тўловчиларни уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувлардан ҳимоялашни кучайтириш, солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилаган жиноий ва маъмурий жазоларни эркинлаштириш, муҳими, самарали солиқ тизимини шакллантиришга йўналтирилмоқда. Зеро, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган йиғилишида жорий йилда ҳам солиқ соҳасини ислоҳ этиш борасидаги ишлар давом эттирилиши таъкидланди.

(Давоми 3-бетда).

---

# Консерватория:



# Бир кошона, истеъдодга қанот бергай...



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

**Тошкент давлат консерваториясининг янги биносига ҳайрат ила тикилган ёшларнинг нигоҳларида мамнунлик мужассам бу кун. «Биз... фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак», дея таъкидлаган эди Юртбошимиз. Бу билим даргоҳида таълим олаётган бугунги ёшларга санъат кошонаси юксак парвозлар учун қанот бағишласа, ажаб эмас...**

---

# Тиббий хизмат:

# Дардингизга малҳам бўлгай улар



***Ўтган йили худди шу кезлари — Наврўз байрами арафасида Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-клиник шифохона негизида республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий марказининг дастлабки босқич бўлимлари очилган эди. Бунга сабаб 1998 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ҳамда унинг Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги филиалларини ташкил этиш билан боғлиқ алоҳида банднинг мавжудлиги бўлди. Ўшанда олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида асосан жарроҳлик корпуси, куйганлар-заҳарланганлар бўлими ҳамда операция блоклари иш бошлаганди. Бу йил эса байрам арафасида беморларни қабул қилиш, ташхис қўйиш ҳамда терапия бўлимлари очилади.***

(Давоми 2-бетда).

# ҲАММАСИ СОЛИҚ ҲАҚИДА



БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари билан Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир ХЎЖАЕВнинг телефон орқали суҳбати ана шу мавзуга бағишланди**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Табиий савол туғилади: хўш, амалда бўлган солиқ ва тўловлар тизимига одамларнинг муносабати қандай? Улар солиқ ва тўловларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва муҳими, зарурлигини англаб етганларми? Ҳа, кишиларнинг уларга қизиқиши катта, зарурлигини ҳам яхши биладилар. Шу мақсадда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти томонидан ҳамкорликда уюштирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Хўжаев билан бевосита мулоқот буни яна бир карра тасдиқлади. Эътиборлиси шуки, у айни ҳукумат йиғилишида кўтарилган солиқ масаласига оид савол билан бошланди.

**Хусусан, самарқандлик Шоҳида НИЁЗМАТОВА биринчи бўлиб шундай савол берди:**

**— Салом,Ботир Асадуллаевич! Турмуш ўртоғим иккаламиз тадбиркормиз. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқишини диққат билан кузатиб борамиз. Яқинда у киши: "Биз бундан буён ҳам солиқлар миқдорини камайтириш сиёсатини изчиллик билан олиб боришимиз керак. Муҳими, солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим", деб айтдилар. Бу борада қандай ишлар олиб борилаяпти?**

— Шу саволни берганингиз учун раҳмат. Солиқлар миқдорини камайтириш хусусида шуни айтиш мумкинки, амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларидан бири солиқлар бўйича тушумларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг камайтирилгани бўлди. Эндиликда бу тенденцияни нафақат сақлаб қолиш, балки уни янада жадалроқ суръатларда ривожлантиришимиз зарур. Бу борада даромаддан, биринчи навбатда, юридик шахсларникидан, солиқларни камайтириш кўзда тутилмоқда.

Имтиёзлар ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан, болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга, қишлоқ ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарига, маҳаллий хомашёдан фойдаланувчи, чет эл инвестициясига эга корхоналарга берилган имтиёзлар солиқларнинг рағбатлантирувчи ролига далил бўла олади. Айниқса, солиқлар орқали иқтисодий фаолият турининг рағбатлантирилишини экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга берилган имтиёзлар мисолида кўришимиз мумкин. 2002 йил 1 январдан бошлаб экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун умумий сотиш ҳажмида эркин алмаштириладиган валютадан ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) улушидан келиб чиққан ҳолда, даромадларни солиққа тортишнинг регрессив шкаласи киритилди, яъни умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида — белгиланган ставка 30 фоизга камайтирилди ва 30 фоиз ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — даромад (фойда) солиғи ставкаси икки баравар озайтирилди. Бундан ташқари, бундай корхоналар мол-мулк солиғини умумий сотиш ҳажмида эркин алмаштириладиган валютада ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) улушидан келиб чиққан регрессив шкала бўйича тўлайдилар.

**Нукус шаҳридаги "Маркет-Р" фирмасидан Рашид ГИСМАТУЛЛИН:**

**— Асосий фаолиятимиз ишлаб чиқариш, лекин савдо ва воситачилик билан ҳам шуғулланамиз. Шу боис алоҳида солиқ тўлаймиз. Бунда ҳомийлик ёрдамини қандай ажратиш мумкин?**

— Ҳомийлик ёрдами бошқа даромад сифатида кўрсатилади ва солиққа тортишда фаолиятнинг ҳар бир туридан олинган даромадга мутаносиб равишда бўлинади.

**"Ўзбекэнерготаъмир" очиқ акционерлик жамияти бош ҳисобчиси Н.МОРДВИНКИНА:**

**— Давлат солиқ қўмитасининг жойлардаги хўжалик судларида ҳали берилмаган иш ҳақидан Пенсия жамғармасига тўловлар бўйича қарзни ундириш юзасидан иш қўзғатиши қонунга тўғри келадими?**

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўловлар солиқ ва тушумларга тенглаштирилган. Уларни йиғиб олиш эса бизнинг зиммамизга юклатилган. Амалдаги қонунчиликка биноан, хўжалик юритувчи субъектлар иш ҳақи тўланишидан қатъи назар, жамғармага тўловларни ўтказишлари керак. Агар тўловлар ўз вақтида тўланмаса, уларни мажбурий ундириш чоралари кўрилади.

**Нукус шаҳридаги "Турон" фирмасидан Пўлат АЖИКИЕВ:**

**— Фирмамиз савдо билан шуғулланади. Бундан ташқари, балансимизда бўлган дўконлар ижарага берилган. Биз улар учун мол-мулк солиғи тўлашимиз керакми, керак бўлса, қанақа меъёрда?**

— 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб балансидаги биноларни ижарага берган савдо корхоналари ижарага берилган биноларнинг қолдиқ қийматининг 2 фоизи миқдорида мол-мулк солиғини тўлашлари керак.

**«Отчопар» бозорида фаолият кўрсатаётган тадбиркор И. ҒАФУРОВ:**

**— Касалллик варақасида кўрсатилган кунлар ва меҳнат таътили учун патент пули тўланадими?**

— Рўйхатдан ўтган давлат солиқ инспекциясига ёзма равишда мурожаат қилиб, мен фалон кунлари ишламайман, дам оламан, яъни меҳнат таътилига чиқаман, деб ариза бериш ва берилган тадбиркорлик гувоҳномангизни вақтинчалик топширишингиз керак. Шунда тўлиқ ишламаган ой учун солиқ тўлашдан озод бўласиз . Аммо тўлиқ ишланмаган ойлар учун солиқ тўламаслик қонунда кўзда тутилмаган.

**Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидан Абдуваҳоб ХУДОЙБЕРДИЕВ:**

**— Иккинчи гуруҳ ногирони бўлган ўртоғим бор. Тижорат билан шуғулланади. Унга солиқ тўлашда ёки бошқа бирор масалада имтиёз борми?**

— Дўстингиз тадбиркорлик фаолияти бўйича белгиланган солиқни тўлаши шарт. Фақат пенсия тўловида имтиёз бўлиб, унинг 50 фоизини тўлаши белгиланган. Бошқа имтиёз йўқ.

**Тўрткўллик тадбиркор ИБРАГИМОВ:**

**— Юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорман. Савдо-сотиқ билан шуғулланаман. Менга нақд пул ва нақд пулсиз банк орқали фаолият кўрсатишга рухсат берилган. Агар белгиланган касса режасини бажара олмасам, қандай жавобгарлик бўлиши мумкин?**

— Белгиланган қоидага кўра, солиқ инспекцияси томонидан маълум муддатдаги фаолиятингиз ўрганилади(хронометраж орқали). Агар ҳақиқатан касса режасини бажара олмайдиган тушум аниқланса, у маҳаллий ҳокимият қошидаги комиссия томонидан камайтирилади. Мабодо кундалик нақд пул тушуми банкка топширилмаганлиги аниқланса, чора сифатида жарима солинади ва маъмурий жавобгарликка тортилади.

**Мирзо Улуғбек тумани "Қорасув" даҳасидаги 3-уй, 13-хонадонда истиқомат қилувчи М. МУҲАМЕДОВ:**

**— Менинг баъзи таклифларим бор. Биринчиси, патент билан савдо қилаётган тадбиркорлар маҳсулотларининг нархини оширишса ҳам, патент пулини оширишмайди. Иккинчиси, дўконларда сотилаётган 8 хил маҳсулотнинг ёрлиғида унинг ўз нархи ва қўйилган устама фоизлар аниқ қилиб кўрсатиб қўйилса. Кейин "Қорасув" даҳасидаги "Чеҳра" дўконида чек берилмайди. Баъзи дўконларда эса ичимликлар стаканлаб сотилади. Бу масалалар кўриб чиқилиб, тартибга солинса яхши бўларди.**

— Сиз айтган таклифлар ўрганиб чиқилади. "Қорасув" даҳасидаги дўконларнинг фаолиятини ҳам тартибга солишга ваъда берамиз.

**Жиззахлик фуқаро Собиржон АННАҚУЛОВ:**

**— Шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчаларида фойдадан олинадиган солиқларнинг қиймати деярли бир хил. Маълумки, қишлоқ жойлардагига нисбатан шаҳарларда кўп фойда олинади. Шу боис солиқ миқдори фойдага қараб белгиланса мақсадга мувофиқ бўларди.**

— Ҳукуматнинг 490-қарорида сиз айтаётган барча масалалар белгилаб берилган. Унда шаҳар ва қишлоқ жойлардаги умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидан олинадиган солиқнинг энг кам ва энг кўп миқдори кўрсатилган. Бунинг учун патент олган киши маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилиши керак. У ердаги мутахассислар аҳволни ўрганиб чиқиб, солиқнинг тегишли миқдорини белгилаб беришади.

**Самарқанд вилоят "Зарафшон" газетаси бўлим мудири Сулаймон ҲУСАИНОВ:**

**— Вилоятимизда солиқ қонунчилигининг бузилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили у 12 фоизга ўсган. Бу, айниқса, якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар мисолида кўплаб учраяпти. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси маълумотларига кўра, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг бузиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Нега шундай бўлмоқда? Сиз Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгаши раисининг ўринбосари сифатида, айтинг-чи, текширишларнинг камаяётганлиги қонунларнинг бузилишига йўл очиб бермаяптими?**

— Якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ишни энди бошлашмоқда. Камчиликлар бўлиши табиий. Албатта, бу вақтинчалик ҳодиса, деб ўйлаймиз. Тадбиркорлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўрганиб борган сайин уларда қонунни ҳурмат қилиш туйғуси ҳам ортиб бораяпти.

Истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши масаласига келсак, улар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уюшмасига ёки Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасига мурожаат қилишса, солиқ органлари билан биргаликда белгиланган тартибда ариза текширилади. Бу ҳолларда солиқ органларига тўғридан-тўғри ишонч телефонлари орқали мурожат ҳам қилиш мумкин.

Текширишларнинг камайиши масаласига тўхталсак, улар "Хўжалик юритувчи субъктлар фаолияти устидан давлат назорати ҳақида"ги Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади. Шуни айтиш керакки, 2002 йилда текширишлар аввалги йилга нисбатан 42 фоизга қисқарди. Бундай ҳолни фақатгина қувватлаш мумкин, деб ҳисоблайман. Бундай ўзгаришларга текширишларга тайёргарликнинг пухталаштирилиши ва аудиторлар ролининг кучайтирилиши имкон берди. Жумладан, ижобий аудиторлик хулосасига эга бўлган ва солиқларни ўз вақтида тўлайдиган корхоналар икки йил давомида текширилмаслиги Қонунда белгиланган.

**Наманганлик хусусий тадбиркор Абдураҳмон ТУРСУНХЎЖАЕВ:**

**— Шахсий автомобилимда аҳолига пуллик хизмат кўрсатаман. Ойига 24 минг сўм патент пули тўлаш белгиланган. Лекин уни тўлашнинг вақти масаласида муаммо пайдо бўлмоқда.**

— Бу борада ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Қонунда кўрсатилишича, патент пули ҳар ойнинг 25 санасидан кечикмай тўланиши керак, дейилган, холос. Шу боис истаган пайтда патент пулини тўлашингиз мумкин.

**"Бухороэнергомарказ" очиқ турдаги акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси ҲАЙДАРОВА:**

**— "Бухороэнергомарказ" корхонасининг асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида уларга ҳисобланадиган эскириш қиймати ва мол-мулк солиғи миқдори кескин ошиб кетди. Бу эса ўз навбатида ҳаражатларнинг кўтарилишига олиб келмоқда. Шу сабабли коммунал хизмат корхоналари учун эскириш ҳамда мол-мулк солиғини қайта баҳолашгача бўлган қийматдан ҳисоблашга рухсат берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

— 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб мол-мулк солиғи ҳамда асосий фондларнинг эскириши 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра қайта баҳоланган қийматдан ҳисобланадиган бўлди. Бунда мол-мулк солиғи қолдиқ қийматдан ҳисобланади. Амортизация ажратмаларини камайтирилган норма бўйича ҳисоблаш хақида Молия вазирлигига мурожат этишингиз мумкин.

**ҲАЙДАРОВА:**

**— Яна саволим бор. 1991 йилгача қурилган турар жой фондларини қайта таъмирлаш ишларига ҳомийлик қилишга вилоятнинг барча корхоналари жалб этилган. Бу ҳомийлик миқдорлари даромад солиғи тўланадиган базага қайта қўшиб ҳисобланмаслигига рухсат беришларингизни сўраймиз.**

— Амалдаги солиқ қонунчилигига асосан корхона ва ташкилотларнинг хайрия мақсадида қилган харажатларининг солиққа тортиладиган фойданинг 1 фоизи миқдоригача даромад (фойда) солиғидан озод қилиниши белгиланган. Қилинган хайриянинг бу миқдордан ошган қисми умумий тартибда солиққа тортилади.

**"Халқ сўзи" газетаси мухбири Ҳ. БОЛТАЕВ:**

**— Республика ҳудудида четдан олиб келинган, акциз маркасисиз тамаки маҳсулотларини сотиш ҳолатлари учрамоқда. Бу контрабанда ҳисобланмайдими? Мазкур ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш борасида давлат солиқ хизмати идоралари томонидан қандай назорат ишлари олиб борилмоқда?**

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз маркасисиз тамаки маҳсулотларини олиб келиш ҳолати контрабанда ҳисобланади. Акциз маркаларини жорий қилиш тўғрисидаги тартибга биноан, республикага четдан олиб келинаётган тамаки маҳсулоти ва спиртли ичимликларга IM ёзувли акциз маркаси, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулоти ва спиртли ичимликларга O'Z ёзувли акциз маркаси елимланган бўлиши керак.

Ҳукуматимизнинг акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни республика ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кириш, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларига барҳам бериш борасидаги қарорларининг ижросини таъминлаш борасида давлат солиқ хизмати томонидан Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва бошқа назорат қилувчи идоралар билан ҳамкорликда белгиланган чора-тадбирлар асосида доимий назорат ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Агарда шундай қонунбузилишларни кўрсангиз, солиқ органларининг ишонч телефони орқали хабар беришингизни сўрайман. Давлат солиқ қўмитасининг ишонч телефони: 144-98-98.

**Жиззах шаҳридан Шаҳзод БАҲРИДДИНОВ:**

**— Мен ўтган йили Жиззахдаги индустриал коллежининг халқ хўжалиги иқтисодиёти бўлимини тугатдим. Солиқ соҳасида ишлаш истагида ўқишни давом эттирсам, дегандим. Қабул эрта тугалланган экан. Қаерга, қандай ҳужжат топширишни билмайман. Ўқишга киришимга ёрдам берсангиз?**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, давлат солиқ органларининг инспекторлик лавозимларига иқтисодий ва юридик ихтисослиги бўйича камида ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахслар танлов асосида қабул қилинадилар. Агар Сиз солиқ соҳасида ўқишни давом эттирмоқчи бўлсангиз, соҳа мутахассисликларини берувчи олий ўқув юртларининг биронтасида билим олишингиз мумкин. Масалан, Тошкент давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат юридик институти, Тошкент молия институти ёки Самарқанд кооператив институти каби ўқув юртларида ўқишни тавсия этамиз.

**Навбаҳор туманидаги "Истиқлол" ширкат хўжалигидан Тошгул АҲМЕДОВА:**

**— Пахта йиғим-терими даврида ҳар 5 кунда терилган хомашё учун иш ҳақи бериб борилади. Улардан даромад солиғи қандай ушланади? Ҳашарчилардан-чи?**

— Қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишчи ва хизматчилари даромадлари умумий тартибда солиққа тортилади.

Амалдаги солиқ қонунчилигида корхона, муассаса, ташкилот ва ўқув юрти томонидан қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришга сафарбар этилган ҳашарчиларнинг ҳар бир ойда топган даромадларидан солиқ ҳисобланаётган пайтда тўрт баравар энг кам иш ҳақи миқдори чегириб ташланади.

**Қибрайлик муҳандис Азиз ТУРСУНОВ:**

**— Ҳовлида яшайман. 2000 йилда ҳовлига ер солиғи учун 2800 сўм тўладим. Ўтган йили эса янги мол-мулк солиғи ҳам жорий қилинди. Иккаласи учун 6 минг сўмдан кўпроқ пул тўладим. Нима сабабдан солиқлар ҳажми ва унинг турлари ошиб бормоқда?**

— Саволингизда янги деб эътироф этилган жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи 1993 йилда жорий этилган. Мол-мулк ва ер солиғи ставкалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили нарх-наво даражасига қараб индексация қилинади.

**Мирзо Улуғбек туманидан Усмонжон МИРАЮПОВ:**

**— "Орзу" масъулияти чекланган жамиятда раҳбар бўлиб ишлайман. 2001 йил учун дивидендни тақсимлашда келишмовчилик (таъсисчилар ўртасида) келиб чиқди. Жисмоний шахсларнинг дивидендларидан неча фоиз миқдорида солиқ ундирилади?**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарорига асосан, дивидендлардан тўлов манбаидан 15 фоиз миқдорида солиқ ушланади.

**Термиз шаҳридаги Жўрабоев кўчаси, 6-"А" уй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи М. АЛИМОВ:**

**— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарори асосида вилоятимиз ҳокимлиги томонидан умумий овқатланиш шохобчаларида якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун белгиланган қатъий солиқ ставкаларининг юқорилиги ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун ноқулайлик туғдирмоқда. Бу ставкаларни қайтадан кўриб чиқиш мумкинми?**

— Сурхондарё вилоят ҳокимининг 29.01.2002 йилдаги 17-сонли ва 7.03.2002 йилдаги 52-сонли қарорларида Вазирлар Маҳкамаси 490-қарорининг 10-иловасидаги қатъий солиқ миқдорлари учун база ставкасининг энг кичик коэффициентлари қўлланилган. Агар Сурхондарё вилоят ҳокимининг жорий йил учун умумий овқатланиш соҳасида якка тартибда иш юритаётган жисмоний шахслар учун қабул қилган қарори талаблари қатъий солиқ миқдорларини тўлашда қийинчилик туғдираётган бўлса, ушбу фаолиятни юридик шахс сифатида амалга оширишни тавсия этамиз. Чунки юридик шахс сифатида фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш корхоналари ўзларининг даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиб, солиқни ҳақиқатда олинган даромаддан тўлайдилар. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига соддалаштирилган солиқ тизимини қўллаш, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, банкларга топширган нақд пул тушумини қайтариб олиш ва бошқа бир қатор енгилликлар белгиланган.

**Тошкент шаҳри, "Юнусобод" даҳаси, 17-мавзе, 13-уй, 7,8-хонадонларда яшовчи Ўткир САЛИМОВ:**

**— Мен турмуш ўртоғим билан пенсиядаман. Иккита хонадонда истиқомат қиламиз. Пенсияда бўлганлигим учун мулк солиғини умуман тўламаслигим керак. Лекин солиқ инспекторлари сизга фақат битта хонадон учун имтиёз бор, иккинчиси учун тўлашингиз керак, дейишмоқда. Шу тўғрими?**

— Солиқ кодексининг 93-моддасига асосан, пенсионерлар мол-мулк солиғидан озоддирлар. Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар мол-мулк эгасининг танлашига биноан, ўзининг номида бўлган мол-мулкнинг фақат бир объектига тааллуқли бўлади.

**"Тонг юлдузи" газетасининг бўлим мудири Феруза ОДИЛОВА:**

**— Биз кўп қаватли уйда яшаймиз. Жорий йилдан бошлаб уйлар учун белгиланган мулк солиғи бекор қилинди, деб эшитдик. Шу тўғрими?**

— Йўқ, бекор қилинмади. 2002 йил учун мол-мулк солиғи ставкаси уй-жой инвентар баҳосининг 0,4 фоизи миқдорида белгиланди.

**"Қашқадарёавтойўл" бирлашмасининг бош ҳисобчиси Холмаҳмат Исматов:**

**— Бизнинг бирлашмамизга қарашли йўл қурилиш бошқармалари юқори органлар ва вилоят ҳокимлиги томонидан бериладиган топшириқларга асосан, пудрат усулида чет корхоналарда иш бажаради. Лекин буюртмачи ушбу бажарилган ишнинг ҳақини 6 ойлаб тўлай олмасдан кечиктиради. Шу боис биз ҳам солиқларни ўз вақтида тўлай олмаяпмиз. Натижада кечиккан ҳар бир кун учун пеня ҳисобланмоқдаки, оқибатда корхона катта миқдорда қарздор бўлиб, тўлов қобилиятини йўқотаётир.**

**Юқоридагиларни ҳисобга олиб, яъни пули тўланганга қадар солиқ идорасига ҳисобот топширмаслик мумкинми?**

— Солиқ кодексининг 17-моддасига асосан, жами даромадга жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

Шунинг учун ушбу маблағлар бўйича тегишли солиқларни ҳисоблаб, солиқ идораларига ҳисобот тақдим этилади ва белгиланган муддатларда тўланади. Ҳисоботларни топширмаслик ёки ҳисоб-китобларда нотўғри маълумотларни кўрсатиш солиқ қонунчилигининг бузилиши ҳисобланади ва қонунда белгиланган чоралар кўрилишига олиб келади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шартномалар тузилаётганда вақтида пул ўтказмаганлиги учун жавобгарлик масаласини тўғри кўзда тутган бўлсангиз, корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашишига йўл қўйилмаган бўлар эди.



Солиқ тўловчиларнинг саволларига муфассал жавоб бериш учун нафақат қўмита раиси, айни пайтда мутахассислар ҳам шай бўлдилар.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

***Республика Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Хўжаев билан ўтказилган телефон орқали бевосита мулоқот чоғида жуда кўплаб саволлар тушди. Уларнинг айримлари билан танишдингиз, холос. Қолганларини эса газетамизнинг келгуси сонларидан бошлаб мунтазам равишда эълон қилиб борамиз. Манзилгоҳи аниқ кўрсатилган солиқ тўловчилардан тушган саволларга Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳам ёзма равишда жавоблар етказилади.***

***Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шу куни қўнғироқ қилган газетхонларнинг кўпчилиги мазкур муҳим тадбирни ташкил этиб, саволлар беришга имконият яратгани учун Давлат солиқ қўмитаси ва таҳририят раҳбарларига чин дилдан миннатдорчилик билдирдилар. Асосийси, юқорида айтганимиздек, бевосита мулоқот солиқ тушуми — бу мактаб ва касалхоналар, болалар боғчалари ва қариялар уйларини сақлаш, кам таъминланган оилалар ва касалларнинг аҳволини яхшилаш учун муҳим восита эканлигини одамлар яхши билишларини намоён этди. Фақат уларнинг истаги битта: Президентимиз таъкидлаганидек, солиқлар асосли, барқарор бўлиши, улар кишиларни чўчитиб юбормасдан рағбатлантириши зарур. Бевосита мулоқот ушбу тушунчани англаш йўлида ташланган қадамлардан бири бўлди.***

**Бевосита мулоқотни «Халқ сўзи» мухбирлари Икром ЎТБОСАРОВ ва Ҳосил КАРИМОВ ёзиб олишди.**

## Телекоммуникация тизими

*Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигида IBIC халқаро ҳамкорлик Япония фондининг 12,7 миллиард йен миқдоридаги кредитини ўзлаштириш юзасидан халқаро тендернинг 2-босқичи ўтказилди. Бу салмоқли маблағ ҳукуматлараро келишувлар асосида республикамизнинг телекоммуникация, радио ва телевидение тармоқларини ривожлантириш ва янгилаш учун ажратилади. Лойиҳа янги электр алоқалари объектларини қуриш ва мавжудларини янгилашга оид амалий ишларнинг кенг дастурини назарда тутади. Молиялашнинг йўналиши зарур замонавий ускуна ва ашёларни етказиб берувчи фирмани аниқлаш бўйича халқаро тендерга таклиф этилган тўртта ЛОТда шакллантирилган.*

# Тендерда ким ғолиб чиқади?

Тендер комиссияси эълонни матбуотда ўз вақтида чоп этиб, 60 дан зиёд компания ва фирмага шу ҳақда хабарнома юборди. Уларнинг ярмидан кўпроғи розилик жавобини берди. Амалий тендер тадбирларида 11 та компания иштирок этди. Таснифлаш олдидан бўладиган танловдан уларнинг маълум қисми ўтди. Навбатдаги босқичга тўртта асосий рақобатчи даъвогар бўлди. Таъкидлаш жоизки, тендернинг қатъий шартлари иштирокчилардан айримларининг йўл бошидаёқ четга чиқишига олиб келди. Тўғри, тўртинчи ЛОТ (телевидение ва радио)да улар бешта эди. Бироқ биттаси ҳужжатларни вақтида тақдим этолмади, натижада якуний босқичга тўртта фирма чиқди.



Биринчи ва иккинчи ЛОТлар (рақамли коммутация ва SNM-1/SNV-4 узатиш тизимлари, кабель ва рақамли радиореле линиялари, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари) бўйича ҳужжатларни қабул қилиш чоғида ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз берди. Кутилган тўртта иштирокчидан учтасигина ҳужжат топширди. Тўртинчиси эса белгиланган вақтда етиб келмади ва даъвогарлар рўйхатидан чиқарилди.

Шундай қилиб, учта фирма масъулиятли босқич — тендер комиссиясига биринчи ва иккинчи ЛОТлар бўйича ўзларининг техник ва молиявий таклифлари пакетини топшириш босқичига муваффақиятли етиб келди. Комиссия ушбу пакетлар билан танишгач, Марубени, Мицубиси ва Мицуи корпорациялари ҳужжатларини эътирозсиз қабул қилишини билдирди. Энди комиссия икки ой муддат ичида бу ҳужжатларни кўриб чиқиб, кимни танлаш ҳамда 10 миллиард япон йени ҳажмидаги тадбирни амалга ошириш учун ўзига хос мандатни кимга топшириш ҳақида қарор қабул қилади.

Ушбу тендер ғолиби бўладиган компания олдида яқин вақтлар ичида Ўзбекистонда кўплаб телекоммуникация объектларини қуриш ва қайта қуриш учун ўзининг субпудратчи шериклари ишлаб чиқараётган ускуна ва ашёларни етказиб бериш, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида 25000 телефон нуқтасига эга янги рақамли маҳаллий АТСни ишга тушириш ва 12000 телефон нуқтали эскирган линияни янгисига алмаштириш вазифаси турибди.

Шу билан бирга, Қаршида 2220 кортли, Фарғонада 3450 кортли халқаро алоқа станцияларидаги эскирган рақамли ускуналар замонавийлари билан алмаштирилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида оптик толали кабель ва радиореле алоқа линияларини, узатишнинг рақамли тизимини барпо этиш мўлжалланган. Учқудуқ-Нукус, Ангрен-Қўқон-Наманган-Андижон-Фарғона участкаларида магистраль кабель, Тошкент-Ангрен участкасида эса радиореле алоқа линиялари ётқизилади. Ушбу лойиҳаларга мувофиқ, 1,5 минг километрдан узунроқ янги магистраллар қурилади. Ички тармоқларда эса янги алоқа линияларининг узунлиги минг километрдан оширилади.

Тендер давом этаётган бир пайтда Ўзбекистон томонидан лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш бўйича зарур шароитлар яратиш ишлари бошлаб юборилди. Объектларнинг жойи белгиланди, бинолар танланди, линия-кабель иншоотлари трассасида тадқиқотлар ўтказилди, лойиҳа-смета ҳужжатларининг бир қисми ҳам тайёрланди. Тендер ғолиби аниқланиши биланоқ, лойиҳани амалга оширишга киришилади. Шунда Мамлакатимиз аҳолиси ва халқ хўжалиги телекоммуникацияларнинг энг янги, замонавий хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

**Анатолий КУДИНОВ.**


«Ҳамкорбанк» акциядорлари диққатига!

**«ҲАМКОРБАНК»**

**АКЦИЯДОРЛИК — ТИЖОРАТ БАНКИ**

**ўз акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик ҳисобот йиғилишини ўтказади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Ҳамкорбанк» акциядорлик — тижорат банкининг 2001 молия йилидаги фаолияти якунлари ва 2002 йилда банк фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида.
2. «Ҳамкорбанк» АТБ тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, даромадлар ва харажатлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш.
4. Банк низомига ўзгартиришлар киритиш ва устав капиталини ошириш тўғрисида.
5. «Ҳамкорбанк» АТБ кенгаши таркибидаги ўзгаришларни тасдиқлаш.
6. 2002 йил учун ташқи аудиторни тасдиқлаш тўғрисида.
7. Бошқа масалалар.

*Йиғилиш 2002 йил 13 апрель куни соат 10.00да қуйидаги манзилда ўтказилади:*

**Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 85-уй, «Ҳамкорбанк» АТБ биноси. Акциядорлар (акциядорларнинг вакиллари)ни рўйхатдан ўтказиш соат 8.00дан 9.45гача давом этади.**

Акциядорларда сертификат, шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядор вакилларида эса нотариал идора томонидан тасдиқланган ишонч қоғозлари бўлиши шарт.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 24-76-88, 24-70-39.**

*«Ҳамкорбанк» АТБ кенгаши.*

5459/500


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

***ректорати 2001-2002 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича бюджет асосида битирувчиларни ташкилотлар билан келишилган ҳолда шартнома асосида ишга юбориш жараёни бошланганлиги тўғрисида хабар қилади. Шу муносабат билан битирувчи бакалавр ва магистрларга сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда эҳтиёж бўлса, 15 апрелгача таклифлар беришингизни сўраймиз. Жадвалда вилоятлар миқёсида Университетимизни тугатаётган ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.***

## БАКАЛАВРИАТ

| № | Йўналишлар номи | Жами | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Фарғона | Андижон | Наманган | Тошкент вил. | Тошкент шаҳри | Сирдарё | Жиззах | Бухоро | Самарқанд | Навоий | Қашқадарё | Сурхондарё | Хоразм | Қорақалп. Респ. | Бошқа республикалар |
| 1 | Менежмент (соҳалар бўйича) | 30 | | | | 2 | 18 | | 1 | 2 | | | 6 | | | 1 | |
| 2 | Дизайн | 10 | | | | | 10 | | | | | | | | | | |
| 3 | Иқтисодда ахборот тизимлари | 14 | | | | 1 | 12 | | | | 1 | | | | | | |
| 4 | Бизнес ва бошқарув *) | 33 | 1 | | 1 | 16 | 4 | 1 | 1 | 5 | 2 | | 1 | 1 | | | |
| 5 | Электроника ва микроэлектроника | 38 | 1 | | 2 | 3 | 23 | | | | | | 3 | 4 | 1 | 1 | |
| 6 | Метрология стандартлаш ва сертификатлаш | 13 | | | | 2 | 7 | | 1 | | | 1 | | 1 | 1 | | |
| 7 | Асбобсозлик | 7 | | | | 4 | 2 | | | | | | 1 | | | | |
| 8 | Автоматлаштириш ва бошқарув | 27 | | 6 | 1 | 1 | 7 | | 1 | 1 | | | 7 | 1 | 1 | 1 | |
| 9 | Радиотехника | 17 | | | 4 | 1 | 6 | | | | | | 6 | | | | |
| 10 | Информатика ва информацион технологиялар | 45 | | 4 | 3 | 3 | 17 | | 1 | 3 | | 3 | 8 | | 3 | | |
| 11 | Материалшунослик ва янги материаллар технологияси | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | |
| 12 | Машинасозлик технологияси, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаш | 18 | | | 1 | 2 | 10 | | 1 | 1 | | | 2 | | 1 | | |
| 13 | Ер усти транспорт тизимлари | 23 | 1 | 2 | | 2 | 12 | 1 | | | | | 2 | 2 | 1 | | |
| 14 | Агроинженерия | 7 | | | | 1 | 4 | | | | | | 1 | | 1 | | |
| 15 | Технологик машина ва жиҳозлари | 24 | | 2 | | 2 | 9 | | | | | | 8 | 3 | | | |
| 16 | Пайвандлаб ишлаш технологияси ва машиналари | 5 | | | | 2 | 3 | | | | | | | | | | |
| 17 | Иссиқлик энергетикаси | 36 | | 2 | 1 | 1 | 18 | | | | | 1 | 10 | 1 | 1 | 1 | |
| 18 | Электротехника, электромеханика ва электротехнология | 30 | | 3 | 1 | 3 | 15 | | | | | 2 | 5 | 1 | | | |
| 19 | Гидроэнергетика | 8 | | | | | 4 | | | | | | 3 | 1 | | | |
| 20 | Электроэнергетика | 31 | | | 2 | 7 | 11 | 1 | | 2 | | 1 | 6 | 1 | | | |
| 21 | Энергия тежаш, электротехник тизимлари ва мажмуалари | 2 | | | | 2 | | | | | | | | | | | |
| 22 | Нефть ва газ иши | 61 | | 1 | 1 | 9 | 24 | | 1 | 1 | 2 | | 18 | 2 | 2 | | |
| 23 | Нефть, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси | 9 | | | | 2 | 4 | | | | | | 3 | | | | |
| 24 | Кимёвий технология ва биотехнология | 9 | | | | 1 | 5 | | | | 1 | | 2 | | | | |
| 25 | Атроф муҳит муҳофазаси | 15 | | | | 1 | 9 | | | | | | 3 | 1 | 1 | | |
| 26 | Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари | 17 | | 1 | | 1 | 6 | | | 2 | | 2 | 5 | | | | |
| 27 | Металлургия | 18 | | | | 10 | 4 | | 1 | | 2 | 1 | | | | | |
| 28 | Кончилик иши | 16 | | | | 2 | 3 | | 2 | 2 | 3 | 2 | 2 | | | | |
| 29 | Кончилик электромеханикаси | 9 | | | | 1 | 4 | | | | | | 4 | | | | |
| 30 | Касбий таълим | 14 | | | | 2 | 9 | | | | | | 2 | 1 | | | |
| | **ЖАМИ** | **587** | **3** | **21** | **17** | **84** | **260** | **3** | **10** | **19** | **11** | **13** | **109** | **20** | **13** | **4** | |

***) Бизнес ва бошқарув факультетида (маркетинг ва молия йўналишлари бўйича) инглиз тилини мукаммал биладиган бакалаврлар тайёрланади.**

## МАГИСТ Р АТУРА

| № | Мутахассислик номи | Жами | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Фарғона | Андижон | Наманган | Тошкент вил. | Тошкент шаҳри | Сирдарё | Жиззах | Бухоро | Самарқанд | Навоий | Қашқадарё | Сурхондарё | Хоразм | Қорақалп. Респ. | Бошқа республикалар |
| 1 | Саноат дизайни | 2 | | | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 2 | Менежмент | 3 | | | | | 3 | | | | | | | | | | |
| 3 | Инновацион менежмент | 2 | | | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 4 | Нефть ва газ конларини қидириш | 2 | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | |
| 5 | Нефть ва газ дала геофизикаси | 2 | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | |
| 6 | Саноат иссиклиқ энергетикаси | 2 | | | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 7 | Электр станциялари | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 8 | Электр энергетик тизимлари | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 9 | Электр таъминот (соҳалар бўйича) | 2 | | | | 2 | | | | | | | | | | | |
| 10 | Гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланиш | 3 | | | | 1 | | | | 1 | | | 1 | | | | |
| 11 | Машинасозлик технологияси | 2 | | | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 12 | Пайвандлаб ишлаш технологияси ва машиналари | 2 | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | |
| 13 | Қишлоқ хўжалик машиналари ва жиҳозлари | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | |
| 14 | Совутгич компрессор машиналари ва қурилмалари | 2 | | | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 15 | Ички ёнув двигателлари | 2 | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | |
| 16 | Тракторлар | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 17 | Саноат қурилмалари ва технологик мажмуаларининг электр юритмалари, уларни автоматлаш | 2 | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 18 | Физикавий электроника | 2 | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | |
| 19 | Электрон техника материаллари ва компонентлари физикаси ҳамда технологияси | 2 | | | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 20 | Саноат электротехникаси | 3 | | | | | 3 | | | | | | | | | | |
| 21 | Автоматлашган тизимлар ва ҳисоблаш техникасининг дастурий таъминоти | 3 | | | | 2 | | | | | | 1 | | | | | |
| 22 | Ахборотни йиғиш, ишлаш ва акс эттириш электрон асбоблари ва қурилмалари | 3 | | 1 | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 23 | Метрология, стандартлаш ва сифатини бошқариш | 3 | | | | | 3 | | | | | | | | | | |
| 24 | Электрон-ҳисоблаш воситалари қисмлари ва қурилмалари | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 25 | Техник тизимларда автоматика ва бошқарув | 3 | | | | | 1 | | | | | | | | 2 | | |
| 26 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаш | 3 | | | | 1 | | | | | | | | | 2 | | |
| 27 | Радиотехника | 2 | | | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 28 | Ҳисоблаш машиналари, комплекслар, тизимлар ва тармоқлар | 3 | | | | 1 | | | | | | | 2 | | | | |
| 29 | Бошқариш ва ахборотни қайта ишлашнинг автоматлашган тизимлари | 3 | | | | 1 | | | | | | 1 | 1 | | | | |
| 30 | Кимёвий ҳимоя воситалари технологияси | 3 | | | | | 2 | | | | | | | 1 | | | |
| 31 | Нефть ва газни қайта ишлаш | 3 | 1 | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | |
| 32 | Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш | 3 | | | | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | |
| 33 | Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш | 3 | | | 1 | | 2 | | | | | | | | | | |
| 34 | Газ-нефть қувурлари, база ва омборларини қуриш ва улардан фойдаланиш | 3 | | | | | 3 | | | | | | | | | | |
| 35 | Нефть ва газ саноати машиналари ва агрегатлари | 3 | | | | | 2 | | | 1 | | | | | | | |
| 36 | Атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш | 3 | | | | | 3 | | | | | | | | | | |
| 37 | Маркшейдерлик иши | 3 | | | | 1 | | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 38 | Рангли металлар металлургияси | 2 | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | |
| 39 | Қора металлар металлургияси | 2 | | | | 2 | | | | | | | | | | | |
| 40 | Фойдали қазилма конларини қидиришнинг геофизик усуллари | 2 | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | |
| 41 | Гидрогеология ва инженерлик геологияси | 2 | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | |
| 42 | Фойдали қазилма конини қидириш техникаси ва технологияси | 3 | | | | | 3 | | | | | | | | | | |
| 43 | Фойдали қазилмаларни ерости усулида ишлаш | 3 | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | | | | | |
| 44 | Энергетика менежменти | 2 | 1 | | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 45 | Кончилик машина ва жиҳозлари | 2 | | | | | 1 | | | | | 1 | | | | | |
| | **Жами** | **105** | **2** | **1** | **1** | **17** | **57** | | **2** | **4** | **2** | **4** | **9** | **1** | **5** | | |

**Манзилимиз: 700095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2.**
**Тел.: 46-88-70 (маркетинг ва мутахассисларни мақсадли тайёрлаш бўлими), 29-22-68 (тел/факс).**

5460/4441

